

САДРУШ ШАРИЪА ҲАЁТИ ВА УНИНГ “ШАРҲУЛ-ВИҚОЯ” АСАРИ

Ўрозов Абдувоҳид Нурилаевич,

ЎзМИ “Shamsuddinxon Boboxonov” nashriyot matbaa-ijodiy uyi davriy nashrlar bo'yicha mas'ul kotib (97 304 7179; abdulvohid-urozov@mail.ru)

Бухоро алломалари қаторида фикҳ илмида юксак мақомдаги асарлар таълиф этган Садрушшариъалар силсиласини зикр этиш мумкин. Замонасининг машҳур ҳуқуқшунос олими бўлган Садруш шариъа Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдулло Маҳбубий Бухорий бўлиб, у XIII асрда яшаб ижод этган ва муҳим фикҳий асарлар, жумладан, “Ҳидоя”га ёзилган шарҳлардан бирининг муаллифи сифатида танилган.

Унинг ўғли Тожуш шариъа унвони билан шуҳрат қозонган Маҳмуд ибн Сардуш шариъа ҳам ўз отаси сингари, ислом ҳуқуқи бўйича ҳанафий мазҳабида ўзидан унутилмас илмий асарлар қолдиради. Тожуш шариъа, ўз невараси (Садруш шариъа ас-соний, яъни иккинчи ёки кичик Садруш шариъа)ни Ислом ҳуқуқшунослиги илмида етук қилиб, фикҳий масалаларни унинг қалбига сингдириш мақсадида Бурҳониддин Марғинонийнинг шоҳ асари бўлган “Ҳидоя”нинг энг асосий масалаларини қисқа жумлаларда тартиблаб (бошқа бир китобда, ижодий шаклда жамлаб, дейилган), уни «Виқоятур-ривоя фи масоил-и Ҳидоя (Ҳидоя масалаларида ривоятларни сақлаш)», деб атади [3].

Асар “Ҳидоя”нинг энг яхши ва қулай қисқартмаси сифатида катта эътибор қозониб, асрлар давомида ўқилиб, шарҳланиб келган ва уни изоҳлаш учун кўплаб хошиялар ёзилган.

Кичик ёки иккинчи Садруш шариъа унвони билан машҳур бўлган Убайдулло ибн Масъуд (ваф. 1346 й.) бу оиланинг фахри ва ҳанафийлар фикҳининг сўнмас юлдузидир. У бобоси Тожуш шариъа тарбиясида камол топиб, шарқ ҳикмати (фалсафаси), калом илми ва табиатга доир фанларни ўзлаштириб, фикҳ илмида буюк аллома сифатида танилади ва ҳанафий мазҳабининг атоқли ва сермахсул олимларидан бири бўлиб етишади [4].

У аждодларидан қолган илмий асарларни жамлаб, нафис ёдгорликларни тўплаш билан шуғулланади ва бобоси ёзган “Виқоятур-ривоя”ни араб тилида шарҳлаб қайта тавзиҳ этиб “Шарҳул-виқоя” китобини ёзади. У асар, бир вақтнинг ўзида ҳозиргача мадрасаларда дарслик қилиб ўқитилиб келинаётган муаллифнинг бошқа бир китоби “Мухтасарул виқоя”нинг ҳам энг тўлиқ ва ишончли шарҳи ҳисобланади. Бу ҳақда Садруш шариъа Убайдуллох ибн Масъуд “Нуқоя”²¹ асарининг муқаддимасида шундай ёзади: “Аллоҳга кучли воситани васила қилувчи камина Убайдуллох Садруш шариъа ибн Масъуд ибн

²¹ Муаллифнинг «Мухтасарул виқоя» асарини иккинчи номи «Нуқоя» дейилиб, «сараланган, мағзи», деган маъноларни англатади.



Тожуш шариаъ айтаман: “Бобом, хожама раббоний олим, омили самадоний, Бурхонуш шариаъ вал ҳақ вад дин Маҳмуд ибн Садруш шариаъ (у кишини Аллоҳ мен ва бошқа мусулмонлар номидан энг яхши мукофот билан сийласин) мен ёдлашим учун “Викоятур ривоя фи масоилил Ҳидоя” китобини ёзди...” [5].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган ўндан ортиқ олий ва ўрта махсус билим юртлиридан, Мир Араб олий мадрасаси, Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти ва Жўйбори Калон аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти ҳам айнан Бухоро шаҳрида жойлашган. Иншоаллоҳ, яқин келажакда мазкур заминдан яна кўплаб фақиҳ ва тасаввуф илми тадқиқотчилари, буюк аждотларимизнинг муносиб ворислари бўлган дунё маданияти тамаддунига ҳисса қўшадиган олиму мураббияларнинг етишиб чиқишидан умид қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Мухтасарул виқоя”. Т.: Чўлпон. 1994. Б.3.
2. Абу Ҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Канавий. “Ал-Фавоиду ал-баҳия фий тарожими ал-ҳанафия”. Қозон.: Император. 1903 й.
3. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. «Мухтасарул виқоя» Т.: Мовароуннаҳр. 1991 й.
4. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. “Тарихи Бухоро”. Форс тилидан А. Расулов ва А. Ўринбоев таржимаси. Т.: Фан. 1966 й.
5. Муҳаммад ибн Асад Бухорий. “Маслакул орифин”. ЎЭРФА ШИ, кўлёзма – №2517/ I.